

тизимига ўтилиши умумий контекстда солиқ юкини пасайтиришга имконият яратиши зарур бўлса-да, даромад интервали бўйича паст даромадга эга аҳоли учун нисбатан юқори солиқ юкини таъминламоқда. Юқори даромад интервалидаги даромад оловчи аҳоли қатлами учун эса солиқ юкининг қисқариши қузатилмоқда. Ушбу ҳолатлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи макроқўламда аҳолининг истеъмол харажатларига солиқ тизимининг таъсири кучайишига олиб келган.

Учинчидан, макроиқтисодий тартибга соилиш тизимининг асосий воситаларидан бири бўлган амалдаги жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизими мамлакатда яратилган аҳоли даромадларининг жамғармалар

сифатида тўпланиши ва инвестицион фоалликни рағбатлантириш хусусиятига эга.

Тўртингчидан, жисмоний шахслардан олинидиган даромад солиғи бўйича даромад оловчи аҳолининг истеъмол харажатларини яхшилаш, улар зиммасидаги солиқ юкини пасайтириш ва пировард натижада даромадларни солиққа тортишда ижтимоий адолатлилик тамойилига риоя қилиш мақсадида солиққа тортилмайдиган минимумни жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Демак, умумий хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, аҳоли даромадларини солиқлар во-ситасида тартибга соилиш сиёсати улар шахсий тасарруфидаги даромадларнинг оптимал ижтимоий нафилиги шароитида ( $MU(I) = TU(I)$ ) даромадларнинг табакалашуви олдини олиш, мувозанатлаштириш вазифасини бажариши зарур.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Маршалл А. Принципы экономической науки. В 3 т. – М.: Инфра-М, 1993. – 217 с.
2. Galor O. and Tsiddon D. Technological Progress, Mobility, and Economic Growth. *The American Economic Review*, 1997, 87 (3), 363-382. Retrieved May 16, 2020, from [www.jstor.org/stable/2951350](http://www.jstor.org/stable/2951350); Foellmi R. and Oechslin M. Why progressive redistribution can hurt the poor. *Journal of Public Economics*, 2008, 92 (3-4), 738-747.
3. Saez E. Striking it Richer: The Evolution of Top Incomes in the United States (Updated with 2018 estimates). Retrieved: March 25th, 2020. From: eml.berkeley.edu/~saez/saez-UStopincomes-2018.pdf.
4. Piketty T. and Goldhammer A. 2015. *The Economics of Inequality*. Cambridge, Massachusetts; London, England: Harvard University Press. Retrieved May 16, 2020, from [www.jstor.org/stable/j.ctvjnrtk](http://www.jstor.org/stable/j.ctvjnrtk).
5. Alesina A. and Rodrik D. Distributive politics and economic growth. *Quarterly Journal of Economics*, 1994, 109, 2, pp. 465-90; Perotti R. *Growth, Income Distribution, and Democracy: What the Data Say*. *Journal of Economic Growth*, 1996, 1 (2), 149-187. Retrieved April 15, 2020, from: [www.jstor.org/stable/40215914](http://www.jstor.org/stable/40215914).
6. Acemoglu D. An Introduction to Modern Economic Growth. *Journal of Economic Theory*, Elsevier, vol. 2007, 147 (2), pages 545-550; Acemoglu D., Ticchi D. & Vindigni A. Emergence and persistence of inefficient states. *Journal of the European Economic Association*, 2011, 9 (2), 177-208.
7. Аззамов А.Т. Жисмоний шахсларни солиққа тортиши амалиётини такомиллаштириш. / Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий дараҷасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2019 й.
8. <https://lex.uz/docs/4674902>
9. Ўринов В. Солиқ юки: даромадлар тенг, аммо... // "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси. 2018 йил 24 май, 21 (759).
10. Геертен Михиелсе, Рассел Крелов, Нарине Нерсесян и Жан-Франсуа Уен. Узбекистан: Обзор налоговой системы Доклад по технической помощи. 2018 г. Апрель. – 27 с. // Fiscal Affairs Department International Monetary Fund 700 19th Street NW Washington, DC 20431 USA '<http://www.imf.org/capacitydevelopment>'.
11. ЎзРДСҚ расмий сайти маълумотлари ([www.stat.uz](http://www.stat.uz)).
12. ЎзРДСҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.
13. Jumaev Nadir Hosiyatovich, Rizaev Nurbek Kadirovich, & Isaev Fakhriddin Ikromovich. (2023). ORGANIZATION OF TURKIC STATES: INTEROPERATION AND ACCOUNTING SYSTEM. *British Journal of Global Ecology and Sustainable Development*, 13, 116–129. Retrieved from <https://journalzone.org/index.php/bjgesd/article/view/245>
14. Isaev, F. (2021). Мол-мулкни солиққа тортишини такомиллаштириш. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (6), 326–333. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/12224](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224)
15. Исаев, Ф. (2022). РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, 23(5), 171–176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>



### МОЛ-МУЛК СОЛИФИННИГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Мусалимов Шуҳрат Исамуҳамедович -  
Тошкент молия институти  
тадқиқотчиси

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a61](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a61)

**Аннотация.** Мазкур мақолада давлат бюджети даромадлари шаклланишида мол-мулк солиғининг иқтисодий аҳамияти ва кейинги ўйларда бюджет даромадлари таркибидаги ўзгариш динамикаси таҳлил қилинганд. Шунингдек, кейинги ўйларда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғини ҳисоблаш, ундириш ва амалга оширилаётган ислоҳотлар тадқиқ қилинганд. Давлат бюджети даромадларини ошириш ва мол-мулк солиғини ҳисоблаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар келтирилган.

**Калим сўзлар:** давлат бюджети, даромадлар, мол-мулк солиғи, солиқ ставкаси, ҳисоблаш тартиби, иқтисодий ривожланиш, стратегия, солиқ маъмурчилиги.

**ЗНАЧЕНИЕ НАЛОГА НА ИМУЩЕСТВО В ФОРМИРОВАНИИ ДОХОДОВ  
ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА**

**Мусалимов Шухрат Исамухамедович -  
соискатель Ташкентского финансового института**

**Аннотация.** В данной статье анализируется экономическое значение налога на имущество в формировании доходов государственного бюджета и динамика изменения структуры доходов бюджета в последующие годы. Также было изучено исчисление и взимание налога на имущество юридических и физических лиц и проведенные реформы. Представлены научные предложения и практические рекомендации, направленные на увеличение доходов государственного бюджета и совершенствование порядка исчисления налога на имущество.

**Ключевые слова:** государственный бюджет, доход, налог на имущество, налоговая ставка, порядок исчисления, экономическое развитие, стратегия, налоговое администрирование.

**THE SIGNIFICANCE OF PROPERTY TAX IN FORMING STATE BUDGET REVENUES**

**Musalimov Shukhrat Isamuhamedovich -  
Researcher of Tashkent Institute of Finance**

**Annotation.** This article analyzes the economic importance of property tax in the formation of state budget revenues and the dynamics of changes in the structure of budget revenues in the following years. Also, in the following years, the property tax calculation and collection of legal entities and individuals and the reforms implemented were studied. Scientific proposals and practical recommendations aimed at increasing state budget revenues and improving the property tax calculation procedure are given.

**Key words:** state budget, income, property tax, tax rate, calculation procedure, economic development, strategy, tax administration.

**Кириш.** Дунёда мол-мулк солиги умумий солик тизимининг асосий элементи сифатида қаралади. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, 2020 йилнинг бошларига келиб, дунёнинг 130 дан ортиқ давлатларида мол-мулкка соликлар амал қилиши тўғрисида маълумотлар мавжуд. Аксарият давлатлар амалиётида мол-мулкка соликлардан тушумлар маҳаллий бюджетларга йўналтирилган [1]. Бундай тушумларнинг маҳаллий бюджетлардаги салмоғи ҳар давлатда ҳар хил, жумладан, кўчмас мулкка соликдан тушумнинг улуши Францияда 2,17 фоиз, Данияда 1,85 фоиз, Нидерландия ва Италияда 1,8 фоиз, Германияда 1,06 фоиз, Швецияда 0,89 фоизни ташкил этган. Шу билан бирга, айрим ривожланган мамлакатларда мазкур солик нафақат маҳаллий бюджетларда, балки умумий давлат бюджетларида ҳам сезиларли улушга эга. Хусусан, Буюк Британияда кўчмас мулкка соликлар жами бюджет даромадларининг қарийб 10 фоизини ташкил этади. Бу кўрсаткич АҚШда 9 фоизни, Канадада 8 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар жаҳон амалиётида мол-мулк соликини ҳисоблаш ва ундиришга алоҳида эътибор қаратилаётганилигидан далолат беради.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган соликларни ҳисоблаш масалалари ҳам тадқиқот обьекти сифатида кенг ўрганилмоқда. Лекин амалга оширилётган тадқиқотларда мол-мулк соликини ҳисоблаш хусусиятлари ва корхоналар фаолиятига таъсири таҳлили, маҳаллий бюджет даромадларини оширишда мол-мулк солидидан оқилона фойдаланиш, мол-

мулк солигини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш масалалари етарлича очиб берилмаганлиги бу борада тадқиқотларни олиб бориш заруратини келтириб чиқаради.

**Мавзу доир адабиётлар шарҳи.** Мол-мулк солигининг маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти ва унинг назарий асосларига доир кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, Ларс П.Фелд, Фриедрич Счнейдер фикрича, давлат ва маҳаллий соликقا тортиш маҳаллий ҳукумат даражасида маҳаллий соликларнинг ставкалари ва асосларини белгилашда баъзан ихтиёрийликни таъминлайди ҳамда давлат ва маҳаллий даражадаги давлат хизматларини молиялаштиришни назарда тутади [2].

Салваторе Бимонте, Арсению Стабиле ривожланиш, тартибга солиш, турли тўловлар ва мол-мулк солигини ундириш маҳаллий муниципалитетларнинг вазифаси эканлигини таъкидлайди. Агар ушбу вазифалар яхши татбиқ этилмаган ва тизимли йўлга қўйилмаган бўлса, фискал сиёсат ва шаҳарсозлик сиёсати ўртасида номутаносиблик пайдо бўлиши мумкин [3].

Иқтисодчи Бирд маҳаллий соликлар тўртта хусусиятини кўрсатиб берган: солик базасини баҳолаш маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади; маҳаллий ҳокимият органлари томонидан йиғилган; улардан келадиган даромад маҳаллий бюджетга тушади; маҳаллий ҳокимиятлар солик ставкасини ўрнатади [4].

Шунингдек, Баҳл қайси солиқлар маҳаллий ҳокимият ваколатига кириши кераклигини танлашда манба сарф-харажатлар учун етарли даромад келтириши, шунингдек, маҳаллий ҳокимиятлар солиқ ставкасини белгилашда маълум даражада эркинликка эга бўлиши кераклигини қайд этган [5].

Ж.Урмонов ўзининг тадқиқотларида “маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини кенгайтириш, уларнинг мунтазам ва ишончли солиқ солиш базасини шакллантириш, солиқ маъмурчилиги самарадорлигини ошириш ҳамда умумбелгиланган солиқ режимини янада ихчамлаштириш мақсадида, мол-мулк ва ер солиқларини бирлаштириб, босқичма-босқич кўчмас мулк солиғига ўтиш керак” деган таклифни илгари суради [6].

А.Исламқуловнинг таъкидлашича, жисмоний шахслар тўлайдиган мол-мулк ва ер солиғни ундириш механизми бошқа солиқ турларини ундириш механизмларидан бирмунча фарқ қиласди, бу фарқ уларнинг бироз мураккаблиги билан тавсифланади. Биз бу ерда мураккаблик деганда, солиқларни ҳисоблашни эмас, балки бу солиқ турларини ундириш механизмини назарда тутамиз [7].

У.Тўлаковнинг фикрича, жисмоний шахсларнинг мол-мulkiga солинадиган солиқ маҳаллий солиқ бўлгани учун, агар ҳудудларнинг ривожланиши нисбатан бир хил бўлса, маҳаллий ҳукумат ушбу солиқ ставкасини белгилашда эркинликка эга бўлади. Ҳақиқий шароитда бу эркинликни чеклашлар кўпинча зарур бўлади, масалан, маҳаллий бюджетнинг катта эҳтиёжлари ва базанинг пастлиги (аҳолининг турмуш даражаси пастлиги ёки маъмуриятнинг ёмонлиги туфайли) [8].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида мол-мулк солиғининг маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги аҳамиятининг илмий-назарий жиҳатлари, мол-мулк солиғини аниқлаш методикаси, маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда мол-мулк солиғи улушининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш билан бирга мавзуга боғлиқ кўплаб назарий адабиётлар, эмпирик тадқиқотларга таянган ҳолда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув усувларидан кенг фойдаланилди.

#### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мулк, бир томондан, обьектнинг муайян кишиларга тегишилигини белгиласа, иккинчи томондан, мулқдан фойдаланиш бўйича одамлар орасидаги муносабатни белгилайди. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, маҳаллий бюджетларнинг прогнозлари маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан тузилади. Сўнгра прогнозлар тегишили юқори давлат органи билан келишилади. Шундан кейин бюджетлар маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Қўйида келтириладиган жадвал маълумотларида давлат бюджети даромадларининг 2015-2021 йиллардаги ижроси ҳамда бевосита мол-мулк солиғининг бюджет даромадлари шаклланишидаги аҳамиятини таҳлил қиласмиз. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида давлат бюджети даромадлари хажми 4,5 баробардан ортиқ миқдорга ошган ҳолда 2021 йилнинг якунларига кўра 164,6 трлн. га етганлигини кўриш мумкин. Ресурс тўловлари ва мулк солиғи таркибида мол-мулк солиғининг салмоғи йиллар мобайнида ўзгариш динамикасига эга бўлса-да, 2021 йилга келиб, унинг улуши 10,6 %га етганлигини кўриш мумкин.

#### 1-жадвал

#### Давлат бюджети даромадларининг 2015-2021 йиллардаги ижроси (млрд.сўм)

Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
<b>Даромадлар (мақсадли жамғармаларсиз) - жами</b>	<b>36 493,3</b>	<b>41 043,4</b>	<b>49 681,0</b>	<b>79 099,0</b>	<b>112 165,4</b>	<b>132 938,0</b>	<b>164 680,3</b>
1. Бевосита солиқлар	8 798,4	9 852,8	11 539,4	15 656,2	31 676,8	45 206,9	58 930,4
2. Билвосита солиқлар	19 193,8	21 130,7	26 133,2	41 280,4	46 427,2	46 428,4	56 290,5
2.1 Қўшилган қўймат солиғи	10 851,0	11 891,6	14 685,8	27 876,5	33 809,8	31 177,4	38 439,0
2.2 Акциз солиғи	5 618,4	6 258,2	7 449,2	9 702,2	10 314,7	11 697,3	13 086,6
2.3 Божхона божи	1 481,5	1 449,5	1 707,4	1 826,4	2 302,7	3 553,7	4 764,9
2.4 Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғи-си ва газ ишлатганилк учун олинадиган солиқ	1 242,9	1 531,3	1 784,5	1 543,9	0,0	0,0	0,0
2.5 Абонент рақамларидан фойдаланганлик учун тўлов	0,0	0,0	506,4	331,3	0,0	0,0	0,0
3. Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	4 816,1	5 306,2	6 867,4	12 663,4	19 680,7	21 257,0	23 036,4
3.1 Мулк солиғи	1 393,0	1 659,2	2 129,7	2 606,1	2 360,2	1 974,3	2 457,3
3.2 Ер солиғи	750,1	966,7	1 091,8	1 504,2	2 313,2	2 386,7	4 082,8
3.3 Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	2 514,6	2 517,7	3 474,1	8 424,7	14 692,8	16 417,1	15 811,9
3.4 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	158,4	162,6	171,8	128,4	314,5	478,8	684,4
4. Юқори даромаддан олинадиган солиқ	652,5	1 401,9	1 415,2	1 528,0	107,9	0,0	0,0
5. Бошқа даромадлар	3 032,4	3 351,8	3 725,8	7 971,0	14 272,8	20 045,8	26 423,1

Манба: <https://openbudget.uz/incomesView> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2020 йилда ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича тушумлар 21,3 трлн. сўмни (ёки ЯИМга нисбатан 3,6 %), 2019 йил тушумлари билан солиштирганда, 1,6 трлн. сўмга ва 2018 йил билан солиштирганда, 8,6 трлн. сўмга кўпроқни ташкил этди. 2020 йилда мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумлар деярли 2019 йил даражасида сақлаб қолинди ва 4,8 трлн. сўмни ташкил этди, 2018 йил билан солиштирганда эса 0,6 трлн. сўмга кўпайди. 2019 йил 1 январдан юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкаси 5 фоиздан 2 фоизгача пасайтирилди ва ушбу ставканинг пасайтирилиши тушумнинг деярли 2 баробарга, яъни 1,9 трлн. сўмдан 1 трлн. сўмгача камайиши тахмин қилинган. Мол-мулк солиғини тўловчиларга барча тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш ҳисобига ушбу йилда солиқ базасини ошириш натижасида (солиқ тўловчилар сони 6 баробарга кўпайиб, 58 334 тани ташкил этди) 2019 йилда ушбу солиқ бўйича даромадлар 1,6 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда 2019 йилда янги солиқ тўловчилардан (50 минг корхона атрофида) тушумлар деярли 629 млрд. сўм ёки умумий тушумнинг учдан бирини ташкил этди.

2022 йилдан бошлаб амалдаги қонунчиликлар, солиқ тўловчилар рўйхати, шунингдек, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақланиб қолинмоқда. Мол-мулк солиғини ҳисоблаб чиқаришда бино ва иншоотлар бўйича солиқ базаси (линияли обьектлар ва тугалланмаган курилиш обьектлари бундан мустасно) бу обьектларга 1 квадрат метр учун мутлақ миқдорда белгилangan минимал қийматдан паст бўлиши мумкин эмаслиги бўйича қуйидаги миқдордаги тартиб киритилмоқда: Тошкент шаҳрида – 2 500 000 сўм; Нукус шаҳри ва вилоят марказларида – 1 500 000 сўм; бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда – 1 000 000 сўм.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари белгилangan минимал қийматга, туманларнинг иқтисодий ривожланишига қараб 0,5 гача бўлган камайтирувчи коэффициент киритиши мумкин. Агар обьектнинг 1 квадрат метри қиймати белгилangan минимал қийматдан паст бўлса, солиқ тўловчи кўчмас мулк обьектлари қийматини мустақил баҳолашни амалга ошириш учун баҳоловчиларни жалб этишга ҳақли. Бунда мустақил баҳолаш натижалари солиқ базаси сифатида эътироф этилади. Агар баҳолаш натижалари қиймати 1 квадрат метр учун белгилangan минимал қийматдан кўп бўлиб чиқса, ушбу ҳолда солиқ тўловчилар солиқни ҳисоблаб чиқиши мақсадида 1 квадрат метр

учун белгилangan минимал қийматни қўллаш ҳукуқига эга.

Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи. Туар жой фонди обьектларига, шунингдек, кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина туар жойларига 2021 йилда амал қилган солиқ ставкалари 1,1 бара-варга индексация қилинмоқда. Бунга жисмоний шахслар учун кўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан 2018 йилда белгилangan солиқ солиши обьектларининг (солиқ базасининг) кадастр қиймати миқдори сақлаб қолинганлиги сабаб бўлмоқда. 2022 йилда жисмоний шахслар учун 2018 йилда белгилangan кадастр қийматидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланган солиқ миқдори, 2021 йил учун ҳисобланган солиқ миқдоридан 1,3 баравардан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Тадбиркорлик фаолияти учун ёхуд юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага беришда фойдаланиладиган солиқ солиши обьектлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти ва даромад олиш учун мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк обьектларини солиққа тортиш тартиби ушбу обьектларга юридик шахслар учун белгилangan мол-мулк солиғини қўллаган ҳолда (1,5 фоиз) сақланиб қолинмоқда. Қонун ҳужжатлари билан юридик шахслар учун назарда тутилган оширилган солиқ ставкаларини белгилаш йўли билан таъсир чоралари кўрилиши мумкин бўлган обьектларни солиққа тортиш тартиби сақлаб қолинмоқда. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғидан озод этиш назарда тутилмоқда. Ушбу имтиёз етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун улар йигирма уч ёшга тўлгунга қадар давлат томонидан ажратилган туар жой хоналарига татбиқ этилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Мол-мулк солиғининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти солиқнинг мазмунидан келиб чиқади. Мол-мулкни солиққа тортиш орқали, биринчидан, жамият бойлиги, у кимга тегишли бўлишидан қатъи назар, солиққа тортиш механизми орқали мол-мулк тартибга солинади. Иккинчидан, бойликнинг муайян қисми давлат бюджетига ҳаражатларини молиялаштириш мақсадида қонунларда белгилangan тартибда қайта тақсимланади. Давлат юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкининг кўпайишидан манфаатдор. Юридик ва жисмоний шахслар эса ўз мол-мулкларининг дахлсизлигидан манфаатдор бўладилар, бунинг эвазига ўз мол-мулкидан давлатга белгилangan тартиб ва ставкаларда солиқ тўлаб борадилар.

Халқаро солиқ амалиёти таҳлили шуни кўрсатдикси, мулкий солиқлар ичida кўчмас

мулк солиғи энг асосийси ҳисобланиб, маҳаллий бюджетлар даромадларида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Кўчмас мулкни солиққа тортишнинг ягона ставкаси Германия, Бельгия, Исландия ва Люксембургда кўлланилади. Солиққа тортишнинг прогрессив тизими Швеция, Финляндия, Норвегия ва бошқа давлатларда амал қилади. Швецияда мулк солиғини ундиришда оиласинг жами мулки ҳисобга олинади. Уни фақат жисмоний шахслар тўлайди ва солиқ ставкалари прогрессив хусусиятга эга.

Фикримизча, 2019 йил ваундан кейинги даврларда ҳам маҳаллий солиқлар тушумида мол-мулк солиғи етакчи ўринни эгаллашда давом этади. Илғор хориж мамлакатларида солиқ тизими турли хил иқтисодий, сиёсий ва ижтиёмий шарт-шароитлар таъсири остида шаклланган. Солиқ тизимлари бир-биридан солиққа тортиш, уларнинг таркиби, ундириш усули, ставкалари, турли даражадаги хукуматларнинг фискал ваколатлари, солиқ базаси, солиқларнинг ҳаракат доираси, солиқ имтиёзлари ва бошқа шу каби мезонлар асосида фарқланади.

Мулкларни солиққа тортишнинг умумий тартиби бўйича мулклар икки гурухга: кўчмас ва кўчар мулкларга бўлиниб, солиққа тортилади. Кўчмас мулкларга ер участкалари киради, унда турган бино, иншоот ва бошқа доимий жойлашган қурилишлардир. Мазкур ёндашувдан келиб чиқиб, кўчар мулкларни ҳам ўз навбатида, ер билан боғлиқ ва боғланмаган бойликларга ажратиш мумкин. Кўчмас мулкларга кўпроқ эгалик қилиш ҳозирги шароитда баъзи шартларни келтириб чиқаради, сабаби мулк солиғининг обьекти, асосан, кўчмас мулкларга қаратилган. Мол-мулк солиғи обьектининг бундай табақаланиши ишлаб чиқаришни ривожлантиришга солиқларнинг самарали таъсир ричагларини қўллашда имкониятларни чегаралаб кўяди, чунки аксарият ҳолларда кўчмас мулк обьектлари ишлаб чиқаришда бевосита фойдаланиладиган ёки фойдаланмайдиган мол-мулк бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан ривожланган давлатларда мол-мулкни солиққа тортишда тижорат фаолиятида қатнашадиган ва тижорат фаолиятида қатнашмайдиган асосий воситаларга ажратган ҳолда солиққа тортилади.

### *Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. *The World Bank in Europe and Central Asia* – Жаҳон банкининг ўйллик ҳисобот маълумотлари <https://www.worldbank.org/en/region/eca>
2. Lars P.Feld, Friedrich Schneider State and Local Taxation. // International Encyclopedia of the Social & Behavioral Sciences (Second Edition), 2015. Pages 338-342.
3. Salvatore Bimonte, Arsenio Stabile Local taxation and urban development. Testing for the side-effects of the Italian property tax. // Ecological Economics, Volume 120, December, 2015. Pages 100-107.
4. Bird R.M. Intergovernmental Fiscal Relations: Universal Principles, Local Applications. Working Paper 00-2, Georgia State University: Andrew Young School of Policy Studies, International Studies Program, 2000
5. Bahl R. Fiscal Decentralization, Revenue Assignment, and the Case for the Property Tax in South Africa. Working Paper 01-7, Georgia State University: Andrew Young School of Policy Studies, International Studies Program, 2001.
6. Урмонов Ж.Ж., Файзиев Ф.А. Маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш масалалари. // Логистика ва иқтисодиёт. 2020, I сон.
7. Исламқулов А.Х. Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда солиқ потенциалидан фойдаланиш масалалари. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. 2-сон, 2017, март-апрель.
8. Тулаков У.Т. Мол-мулк солиғи ставкаларини белгилашнинг ўзига хос хусусиятлари. // Логистика ва иқтисодиёт. 2021, V сон.



doi [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a62](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a62)

### **СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИГА АҲБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Мухаммадов Нодир Каримович -**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада иқтисодиётни глобал рақамлаштириши шароитида Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ қўмитаси томонидан тадбиркорликни ривожлантириши, солиқлар турининг сонини қисқартириш бўйича бажарилаётган ишлар, интизомли солиқ тўловчилар сафини кенгайтириши, бу борада илғор аҳборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланиш методологиясини такомиллаштиришнинг асосий ўйналишлари келтирилган. Шунингдек, иқтисодиётни рақамлаштириши шароитида солиқ органлари фаолиятини янада такомиллаштириши методологияси асосида илғор аҳборот-коммуникация технологияларини қўллаш масалаларини ўз ичига олади.

**Калим сўзлар:** бюджет сиёсати, солиқ маъмурчилиги, тадбиркорлик субъектлари, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ интерактив хизмат, самарадорлик, рақамли платформа, рақамли трансформация, усуллар ва воситалар, илғор аҳборот-коммуникация технологиялари, таҳлил, оптималлаштириши, веб-хизматлар, замонавий техникалар.